Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 июль чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 138 (2176)

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида Бош вазир ўринбосари А. Исаев раислигида республика Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати мажмуининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, молия, солиқ муассасаларининг лойиҳа ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари капитал қурилиш бўйича режалаштирилган ишларнинг 1999 йил январь-июнь ойларида бажарилиши якунларини, шунингдек, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати мажмуи тармоқларининг фаолиятини кўриб чиқдилар.

Ўтган ярим йилликда маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп маблағ ўзлаштирилгани қайд этилди. Ҳисобот даврида 3765 минг квадрат метр уй-жой ва ётоқхоналар, 300 ўринли шифохоналар, бир сменада 2435 кишига хизмат қиладиган поликлиникалар, 9200 ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 896 километр сув қувури ва 2036 километр газ қувури тармоқлари фойдаланишга топширилди. Маблағнинг ярмидан кўпи ишлаб чиқариш иншоотлари қурилишига ажратилмоқда.

Мажлис иштирокчилари қурилиш индустриясининг турли соҳаларида юз берган ижобий силжишларни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайганини, молия интизоми мустаҳкамланганини, янги иншоотларни қуришга танлов ташкил этилаётганини, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш кучайганини таъкидлаб, асосий эътиборни ҳал этилмаган муаммоларга қаратдилар. Статистика маълумотларини таҳлил этиш қурилишга ажратилган маблағларни ўзлаштиришда эришилган суръат шу кунниг талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари ҳам қаноатланарли эмас. Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати мажмуининг бир қанча корхона ва ташкилотларида молиявий аҳвол мураккаб ва кескинлигича қолмоқда, қўшма корхоналар иши қанузгача яхши ташкил этилмаган, иншоотларни қуриш учун тендер ўтказишда тартиб бузилмоқда. Тошкентда уй-жойларни фойдаланишга топшириш муддати мунтазам бузилаётганига ҳам эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш объектларини қуришнинг аҳволи ҳам ташвиш туғдирмоқда.

Мажлисда бу камчиликларнинг айбдорлари кўрсатиб ўтилди. Нуқсонларнинг ҳаммаси ижро интизоми бўшашгани, шартнома мажбуриятларини бажариш чоғида талабчанлик етарли эмаслиги ҳамда айрим раҳбар ва мутахассисларнинг ўз вазифаларига виждонан муносабатда бўлмаслиги оқибати эканлиги таъкидланди.

Мажлисда сўзга чиққанлар мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифларини айтдилар.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

13 июль куни Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Илгари хабар қилинганидек, бу комиссия «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи юзасидан» мамлакатимиз парламенти қарорига мувофиқ тузилган эди.

Комиссия «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўғрисида»ги ва «Суд ижрочилари тўғрисида»ги қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқди. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мазкур қонун лойиҳалари суд-ҳуқуқ ислоҳотини ўтказиш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, суд қарорлари ва бошқа органларнинг қарорлари ижроси самарадорлигини ошириш борасида навбатдаги қадам бўлиб қолади.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига мазкур қонун лойиҳаларига айрим аниқлик ва қўшимчалар киритишни ҳамда қонун лойиҳаларини белгиланган тартибда Олий Мажлис муҳокамасига тақдим этишни таклиф этди.

Мажлисда комиссия фаолияти дастурининг лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди ва комиссия аъзолари билдирган таклифлар инобатга олинган ҳолда Дастур тасдиқланди. Шунингдек, комиссия аъзолари ўртасида Дастурни амалга ошириш юзасидан вазифалар тақсимлаб олинди.



ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Чжен бошқарди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, бозор инфратузилмаси ташкилотлари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, давлат бошқаруви маҳаллий органларининг вакиллари, республикамиздаги йирик корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари йилнинг биринчи ярмида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мамлакатимиздаги йирик, базавий корхоналарни хорижий сармояни жалб этган ҳолда акциялаштириш дастурининг қандай бажарилганини, шунингдек, хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни кўриб чиқдилар.

1999 йилда хусусийлаштириш дастурига мувофиқ, 263 иншоот хусусийлаштирилгани, уларнинг базасида 211 корхона барпо этилгани қайд этилди. Фонд бозорида бир миллиард 485 миллион сўмлик акциялар сотилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағ 2,7 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, "Оҳангаронцемент" ва Олмалиқ маиший кимё заводи каби йирик корхоналар акцияларини сотишга тендерлар ташкил этилди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишида ҳам ижобий силжишлар бўлди. Хусусан, иқтисодиётнинг бу соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектлар барпо этиш ва бюджетдан ташқари жамғармалар кредитларини ўзлаштириш ҳисобига ярим йил ичида 50 мингдан ортиқ янги иш жойлари барпо этилди.

Бироқ ҳукумат томонидан жорий йилга белгиланган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича асосий топшириқлар уддаланмади, деб таъкидланди мажлисда. Хусусан, саноатнинг бир қанча тармоқларида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг анча қисми шу вақтга қадар хорижий инвесторларга сотилмаган.

Республикада тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ишида ҳам жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Иқтисодиётнинг бу соҳасини ривожлантиришга қаратилган хорижий кредит линияларининг суст кашлик билан ўзлаштирилаётгани, бизнес-режалар ва уларни техник-иқтисодий жиҳатдан тўғри асослаш муаммолари, халқаро молия ташкилотларининг кредитларини олишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмининг мукаммаллаштирилмагани шулар жумласидандир. Олти ой ва ундан кўпроқ вақтдан буён ишламаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тугатиш ишларини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг бекор туриш сабабларини ўрганиш ва уларнинг бир қисмини молиявий соғломлаштириш ҳозирча тегишли даражада эмас.

Мажлисда саноатнинг бир қанча тармоқлари ва республикамиздаги йирик корхоналар раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги "Давлат мулкини хусусийлаштириш чоғида хорижий сармояни жалб этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 477-сонли ҳамда 1998 йил 17 декабрдаги "1999-2000 йилларда хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва давлат мулкини сотишдан давлат бюджетига маблағ тушумини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 525-сонли қарорларини бажаришга доир тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

(ЎзА)

ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ

7 июль куни Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятидаги Ашт ва Айний туманларида кучли жала ёғиб ўтди. Сел Даҳана ва Шайдон қишлоқлари устига ёпирилиб, кўплаб уйларни, биноларни ювиб кетди. Йўл ва коммуникация воситаларини, электр тармоқларини вайрон қилди. Энг афсуслиси, аҳоли орасида қурбонлар бўлди.

Қардош Тожикистон халқи бошига тушган ташвишли кунларда Ўзбекистон халқи қараб турмади. 12 июль куни табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус Фармойиши эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зудлик билан қурилиш ашёларидан иборат инсонпарварлик ёрдами ҳозирлади. Тошкент вилоятининг қурилиш саноати корхоналари маҳсулотлари — Бекобод цемент комбинатидан 201 тонна цемент, Оҳангарон шифер ишлаб чиқариш акционерлик жамиятидан 47 минг шифер, Ғазалкент ойна комбинатидан 3171 кв. метр ойна, Оҳангарон ғишт заводидан 40 минг дона ғишт — жами етти вагон қурилиш материаллари Ҳўжанд шаҳрига етказиб келинди. 13 июль куни Ленинобод вилояти ҳукумати ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олди.




Ҳўжанд темир йўл вокзалида бўлиб ўтган инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими қардошлик ва дўстлик митингига айланиб кетди. Тўпланганлар Ўзбекистон халқи жўнатган ёрдамни азалий дўстлик ва қардошлик алоқаларининг яна бир ифодаси сифатида қабул қилдилар. Дўст кулфатда билинади, деган мақол маросимда ўзбек ва тожик тилларида қайта-қайта такрорланди.

Бегараз инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олар экан, Ленинобод вилоят ҳукумати раисининг ўринбосари М.Исломиддинов Ўзбекистон халқи яна биринчи бўлиб бошига ташвиш тушган тожик қардошига ёрдамга етиб келаётганини таъкидлади. Фалокат оқибатларини тугатиш ишлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистондан келган қурилиш ашёлари эса ишни кенг кўламда давом эттиришда катта кўмак бўлади.

Фалокатдан зиён кўрган қишлоқларга озиқ-овқат ва бошқа зарур анжомлар ҳозирча асосан вертолётларда етказиб берилмоқда. Лекин бугунги куннинг энг муҳим вазифаси аҳолини қишгача уй-жой билан таъминлашдан иборат. Шу боисдан ҳам Ўзбекистондан келган қурилиш ашёлари бизга ҳозир ҳар нарсадан муҳимроқдир, дейишди тожикистонлик биродарларимиз.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг ўринбосари А.Саидов Ўзбекистон халқи ўз қардошларини ҳеч қачон кулфатда ёлғиз ташлаб қўймаслигини таъкидлади. Бу Ўзбекистон халқининг, унинг Президентининг доимий ва ўзгармас сиёсатидир.

(ЎзА)



Наманган туманидаги «Соҳибкор» қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш корхонаси деҳқонлари бошоқли ғалладан баракали хирмон яратдилар. 225 гектар майдондаги «Скифянка» буғдой навининг ҳар гектаридан 50 центердан хирмон кўтарилди. Ялпи ҳосил 1132 тоннадан ошди. Шундан 682 тоннаси буюртма бўйича давлатга сотилди.

— Деҳқончиликда оила пудратини қўллаганимиз яхши самара берди, — дейди ҳўжалик етакчиси Акмалхон Камбаров. — Жўрабой Алиев, Мусаллам Юсупов, Раҳимжон Исломовлар тасарруфидаги далалардан, айниқса, мўл ҳосил олинди. Ғаллазорларнинг ҳар гектари ҳисобига 59-62 центнерга етказиб қирмизи дон йиғиб олинди.

Туманда шартнома режасини биринчилардан бўлиб адо этган соҳибкорликлар ҳосилдан бўшаган майдонларга пешма-пеш шоли, помидор, карам ва бошқа такрорий экинлар экишмоқда.

Бу йилги ғалла мавсуми ўзига хос уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. «Скифянка» каби янги навлар ва республикамиз маҳаллий шароитида етиштирилган «Сангзор-4», «Сангзор-5» ва «Улуғбек» буғдой уруғлари мўл ҳосил гарови бўлди. Барча далалар уста пудратчи деҳқонларга берилганлиги ҳам муваффақият омилига айланди.

«Ипакчилик», «Ижодкор», К. Солиев номли хўжаликларда ҳам бу йил мўлжалдаги ҳосил етиштирилиб, деҳқонларнинг юзлари ёруғ бўлди. Туман далаларида 37 та комбайн тўла қувват билан ишлатилди. Ғалла ўрими давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: буғдой ўрими; чўнг хирмонлар жилоси; сердавқ меҳнатдан сўнгги мароқли тушлик; ошпаз Мадина Турсунова дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатишдан фахрланади.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ЛИЦЕЙ ВА КОЛЛЕЖЛАР ҚУРИЛИШИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН

Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда Андижон вилоятига қилган сафари, хусусан, ўқув юртлари қурилиши қандай бораётгани ва сифати билан танишганидан сўнг берган топшириқлари асосида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши масалалари кўриб чиқилди.

Президент топшириқлари ва тавсияларини бажариш юзасидан шошилинч чоратадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилган бу кенгашга маҳаллий бошқарув органлари, қурилиш, лойиҳа ташкилотлари, бу иншоотларнинг буюртмачилари, таълим тизими вазирликлари ҳамда идораларнинг, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг, Молия вазирлигининг, Ўзбекистонда коллежлар ва лицейлар қурилиши дастурини бажариш билан машғул бўлган бошқа муассасаларнинг раҳбарлари таклиф этилди.

Кенгашни Бош вазир ўринбосари А.Исаев бошқарди.

Мамлакатимиз раҳбарининг топшириқларига мувофиқ, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур талабларини ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими иншоотлари қурилишига доир ишлар қандай бажарилаётганини чуқур таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди.

Қурилишда мамлакатимиз меъморчилиги ютуқларидан, бой миллий, маданий анъаналаридан иложи борича тўла фойдаланиш долзарб вазифалардандир. Биноларнинг хоналари оқилона режалаштирилишига, дизайни ва қулайлигига, иншоотларнинг олд томони ва хоналарни безатишга, атрофини обод қилишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган бинокорлик материалларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, ортиқча харажатларни тугатиш, иш сифати устидан доимий муаллифлик ва техник назоратни таъминлаш лозим. Кенгашда аниқланган камчиликларни тугатиш йўллари батафсил кўриб чиқилди. Лойиҳа институтларига ўн кун ичида лицей ва коллежларнинг ҳозирги вақтда фойдаланилаётган 34 та базавий лойиҳасини қайтадан пухта кўриб чиқиш, уларга тегишли ўзгаришлар киритиш топширилди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Хоразм вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ярим йиллик якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислоҳотларини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси муҳокама этилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими И. Бобожонов маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, айни пайтда вилоят аҳли Президентимиз И. Каримовнинг вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги дастурий нутқида белгилаб берилган кўрсатма ва талаблар асосида меҳнат қилиб, муваффақиятларни кўпайтиришга интилмоқда. Хусусан, вилоят қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бирмунча ортди. Давлатга буғдой сотиш, пилла тайёрлаш бўйича шартнома режалари уддаланди. Товар айланмаси ва пуллик хизмат кўпайди. Нақд пул тушуми режаси ошириб бажарилди, эмиссия даражаси камайди.

Шу билан бир қаторда асосий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми кам бўлди. Акциялаштириш жараёнлари суст бормоқда. Давлат бюджетига маблағ тушириш режаси уддаланмай қолди. Янги иш ўринлари очиш ҳам талаблардан орқада қолмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан шаҳар ва туманлар ҳокимлари, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлар раҳбарлари жойларда ислоҳотларни жадаллаштириш тадбирларига, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш, муаммоларни ҳал этиш омилларига тўхталдилар.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОИЛА — МЎЪЖАЗ ВАТАН

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи мукаддас даргоҳдир. Ушбу мўъжаз макон жамиятнинг пойдеворини ташкил этади. Жамиятнинг, давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши айнан шу пойдевор мустаҳкамлигига боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида оила манфаатларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг масъулияти босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, оилага бўлган бугунги муносабатни баҳолаймоқ учун, Юртбошимиз айтганидек, «Бизга собиқ иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур". Барчага аён, эски мустабид тузум ҳатто оиладек муқаддас даргоҳга ҳам ўзининг заҳарланган мафкураси билан таъсир этишга улгурганди. Унинг "буюк" кашфиётларидан бири шахс камолотида ирсиятнинг ролини инкор этди. Шунингдек, асрлар давомида шаклланган оилага садоқат, бурч, эътиқод, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур каби ахлоқий-маънавий қадриятларимиз аста-секин сиқиб чиқарилиб, социалистик ва коммунистик ғоя билан мажбуран сугорилган шаклан миллий ва мазмунан социалистик оилалар вужудга келди. Авлод-аждодларининг тарихи, шажараси, касб-кори, оила анъаналари, маданияти, тили, ҳатто динини унутган, бола тарбиясида миллий тарбия мазмуни, шакл ва услубларини тан олмайдиган, тарихий хотираси йўқ ота-оналар ва фарзандларни ҳам пайдо қилишга зўр берилди.

Ўзбек оилалари мазмунига зид бўлган "кексалар уйи", "етимхона"лар кириб кела бошлади. Оилаларнинг миллий ва диний туйғулари камситилди, топталди. Лекин коммунистик мафкура қанчалик беаёв бўлмасин, узоқ тарихи ва мустаҳкам пойдеворига эга бўлган ўзбек оиласи, унинг ўзига хос миллий хусусиятларини бутунлай йўқ қилиш, инсоният хотирасидан ўчириб ташлаш учун куч топа олмади. Зеро, кўпдан-кўп аллома-ю, баҳодирларни дунёга келтирган ўзбек оиласи ҳеч қачон ўзлигини йўқотмайди, йўқотиши мумкин ҳам эмас. Чунки илдизи бақувват, пойдевори мустаҳкам, ўз авлод-аждодлари шаънини пок сақловчи, уларга садоқатли оилани ҳеч қандай ёвуз куч, "заҳарли мафкура" тамомила йўқ қилиш қудратига эга эмас.

Тарихан қисқа 8 йил ичида ўзбек оиласи ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди? Уни сарҳисоб қиладиган бўлсак, **аввало,** мустақиллик шарофати туфайли оила ва унинг манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани оламшумул воқеа бўлди. Оила тарбияси мазмуни коммунистик ғоялардан тозаланиб, миллий тарбия мезонлари асосида амалга оширила бошланди.

Иккинчидан, адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият қуриш жараёни шахдам қадамлар билан бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш замирида оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Олий Мажлиснинг XI сессиясида янги мазмундаги "Оила Кодекси" қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимиз оилалари, хотин-қизлари ва болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида ўнга яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилди. Бугун оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, уй меҳнати ва маданий-маиший турмуш шароитини яхшилаш, кўп болали, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган ночор оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари бутун дунё халқларининг диққат-эътиборида бўлмоқда.

Оиланинг тинч-тотувлиги, мустаҳкамлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги давлат ва жамиятнинг тараққиётида асосий омил эканлиги кенг жамоатчилик томонидан янгича муносабат асосида тан олинди. Президентимиз ташаббуслари билан 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили» деб эътироф этилиши ва шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан оила, оналик ва болаликни ҳар томонлама муҳофаза қилиш борасидаги махсус давлат дастурларининг қабул қилингани ва амалиётга жорий этилгани, айни бир вақтда биронта мамлакатда йўқ республика "Оила" илмий-амалий маркази ва унинг қуйи бўлимлари ташкил этилгани оила, оналик ва болалик манфаатларини нафақат ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш, балки илмий-амалий нуқтаи назардан ўрганиш ва олға сурилган ғоялар асосида оилаларнинг ҳар томонлама фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар дебочасидир. Бундан ташқари, айнан оила, хотин-қизлар ва болалар манфаатларини муҳофаза этувчи ўндан ортиқ жамоат ташкилотлари дунёга келди.

Ўтган қисқа давр мобайнида оиланинг муқаддаслигини таъминлаш борасида эришилган ушбу ютуқлар негизида мамлакатимизнинг буюк келажаги пойдеворини мустаҳкамлаш ва унинг тараққиётига ишонч ётибди.

(Давоми 2-бетда).

Қадриятларимиз

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ҲУКМРОНЛИГИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

УЛАР ОРАСИДА МУВОЗАНАТ МАВЖУДМИ?

Республикамизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, бу ислоҳотларнинг чуқурлашуви ишлаб чиқариш-сотиш-истеъмол қилиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлик даражасининг оширилишини ҳам талаб этмоқда. Ишлаб чиқарувчи-сотувчи-истеъмолчи манфаатларини баб-баробар ҳимоя қиладиган ана шу «занжир»нинг бирор халқаси эътиборсиз қолдирилса, билинг-ки, мавжуд тизимда қонунбузарликлар рўй беради. Зеро, бизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган қонунлар қабул қилинмоқдаки, уларга қатъий риоя қилиш иқтисодий ўсишнинг кафолатидир.

Бироқ қонунбузарликларнинг баъзи бир кўринишлари кўп ҳолларда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам учраб турибди. Монопол мавқега эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳам ўз маҳсулотларини сотишда турли қонунларни бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Мамлакатимизда бошланган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни амалда рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган. **«Барча соҳалардаги рақобат эса — бозорнинг энг асосий қонуни»**, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида.

Ўзбекистонда монополистик тузилмаларнинг таъсиридан истеъмолчиларни ҳимоя қилишга қаратилган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинган. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясида юқорида зикр этилган қонунлар қай даражада бажарилмоқда? Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси матбуот хизмати ушбу саволларга жавоб топишимиз мумкин.

Натижалар мақтагулик даражада эмас. Мазкур компания тасарруфидаги 83 та корхона ва ташкилот текширилганда, уларда асоссиз олинган маблағлар миқдори салкам 9 миллион сўмга етгани аниқланди.

Монополияга қарши қонунчиликка риоя қилмаслик нималарда кўпроқ акс этган? Компаниянинг корхоналар хўжалик ишларига аралашиши натижасида «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига зид бўлгани учун, мазкур ишга Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси аралашишига тўғри келди.

Декларация қилинган нархларни ва монопол маҳсулотларнинг рентабеллик даражасини ошириб кўрсатиш ҳам монополистик таъсирнинг кўринишларидан биридир. Шундай ҳол Наманган вилоятидаги «Ширинлик» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида учради. «Қуруқ мевалар тўплами» учун рентабелликнинг чегараланган даражасини 0,4 фоиз ошириш эвазига корхона истеъмолчилардан 41 минг сўмдан зиёд ортиқча ҳақни ноқонуний олган. Бундай ҳолларга «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг яна 5 та корхонасида ҳам йўл қўйилиб, жами 316,9 минг сўмдан ортиқ маблағ ноқонуний равишда ортиқча олинганлиги аниқланди.

Айрим корхона ва ташкилотлар эса харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш ҳисобига солиққа тортиш манбаини камайтиришга ҳаракат қилганлар. Бундай қонунбузарликлар «Андижонмевасабзавот» бирлашмаси, У. Юсупов номидаги очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Меҳнат» кичик корхонаси, Тошкент вилоятидаги «Паркент» ширкатлар бирлашмаси, жами 13 та корхонада мавжудлиги кузатилди.

Қонунбузарликларнинг яна бир тури соф фойда ҳисобидан қопланиши зарур бўлган харажатларнинг маҳсулот таннархига қўшилишидадир. «Ўзбекистон шампани» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида шундай камчилик аниқланди. Корхонада ишчиларга овқатланиш учун бериладиган тўловларни қимматлашган даражасини таннархга қўшиб юбориши туфайли 145 минг сўмлик қонунбузарликка йўл қўйилган. «Тошкентвино», «Нукус вино заводи», «Наврўз» ҳиссадорлик жамиятлари каби яна еттита корхонада шу усулда истеъмолчилардан бир миллион сўмдан ортиқ маблағ асоссиз равишда олинган.

Хомашё ва материалларнинг қийматини оширилган нархларда маҳсулот таннархига қўшиш «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси таъсарруфидаги аксарият корхоналар учун расм бўлганга ўхшайди. «Андижон агрофирмаси», «Денов вино-ароқ», «Сариосиё шароб», «Янгийўл агрофирмаси» ҳиссадорлик жамиятлари, «МАСК», «Доз-Тур» масъулияти чекланган жамиятлари, «Андижон дурдонаси», «Фар-Ваб» қўшма корхоналари, «Ховренко», «Килдон шароби», «Самарқанд консерва», «Шаҳрисабз консерва» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, «Болгаршароб» қичик корхонаси сингари 25 та корхонада шу усул қўлланилиб, истеъмолчилардан асоссиз равишда 5,5 миллион сўм маблағ ундирилган. Бу борада, айниқса, Самарқанддаги «Зарафшон-Калифорния» қўшма корхонаси «биринчиликни» олган. Корхонада 1998 йилнинг май-июль ойлари давомида ишлаб чиқарилган спиртнинг қийматини ҳар бир деколитр ароқ таннархига қўшиш эвазига ноқонуний равишда 2,4 миллион сўмдан зиёд фойда кўрилган. Бу ерда, шунингдек, хомашё ва материалларга кетган харажатлар меъёрини ошириш, маҳсулот таннархига чиқитлар қийматини қўшиш каби қонунбузарликлар эвазига истеъмолчилардан 820,5 минг сўм ортиқча ҳақ олинган.

Биз юқорида асосан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ қонунбузарлик ҳусусида тўхталдик. Бироқ истеъмолчилар ҳуқуқларига хилоф иш тутиш ҳоллари соҳанинг фирма дўконларида маҳсулот сотиш вақтида ҳам йўл қўйилгани маълум бўлди. 34 та корхонада «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг «Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот» деб юритилувчи 5-моддаси, 17 та корхонада мазкур Қонуннинг «Товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумот» деб аталувчи 6-моддаси, 6 та корхонада «Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби» деб номланган 10-моддаси қўпол равишда бузилган.

Текширув натижалари Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг ҳайъатида «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Ортиқча олинган маблағлар жарима санкциялари қўлланган ҳолда (жами 17,1 миллион сўм) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Нархларни тартибга солиш жамғармасига ундирилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларга риоя этмаган корхоналарга йўл қўйилган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар юборилди. Бундан ташқари, Самарқанддаги ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан, юқорида номи қайд этилган «Зарафшон-Калифорния» қўшма коррхонасининг қатор раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг 178-моддасига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида жарима солинди. Солиққа тортиш манбаини бузиб кўрсатган корхоналар билан боғлиқ ҳужжатлар эса жойлардаги солиқ идораларига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси матбуот хизмати.

Муносабат

ЮРТГА ХОИНЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

Ўзбекистон телевидениеси намойиш этган «Февраль воқеалари» ҳужжатли филмини ҳаяжонсиз, ғазаб ва нафратсиз кўриш мумкин эмас. Фильмда мустақиллигимиз, тинч, осуда ҳаётимизни кўролмаётган манфур кимсаларнинг ҳақиқий башараси, кирдикорлари очиб ташланган.

Ватанимизнинг тобора гуллаб-яшнаётганлигини, халқимизнинг порлоқ келажак сари дадил қадам ташлаётганлигини кўриб, қўлидан бошқа иш келмаслигини тушунган, қайсидир ковакда сиғинди бўлиб яшаётган нонкўр, мансабпараст кимсалар энг разил, қабиҳ йўлни танлашган. Миллатни, Ватанни сотишни, ўзи туғилиб ўсган заминни оёқ ости қилишни режалаштирган, бегуноҳ юртдошларимиз ҳаётига зомин бўлган тубан кимсаларнинг бу қилмишларини халқимиз тоабад кечирмайди.

16 февраль воқеалари содир бўлган оғир дақиқаларда портлаш рўй берган жойга етиб келган Президентимизнинг халқимизга берган далдаси, атрофдагиларни ўзини қўлга олишга даъват этганликлари, ҳалок бўлганларга эътибор қилиш юзасидан топшириқлари у кишининг ниҳоятда улкан қалб, кучли ирода эгаси эканликларини кўрсатди. Ўша куни Олий Мажлис биносида бўлган йиғилишда сўзлаган нутқлари Президентимизни узоқни кўра биладиган, Ватанни, халқимизни жондек севувчи инсон сифатида яна бир бор қалбларимизга муҳрлади. Бугунги кунда ҳар бир раҳбар Президентимиздан намуна олиши, у кишига муносиб бўлишга интилмоғи керак.

Биз йўл қўйган хатоларимиздан сабоқ чиқариб яшашимиз, мустақиллигимизга ҳар дақиқа таҳдид солишлари мумкинлигини унутмаслигимиз, ёшларимизни авайлаб-асрашимиз, келажагимизни ўз қўлимиз билан яратишимиз, Ватанни севишни Юртбошимиздан ўрганишимиз керак. «Февраль воқеалари» фильми бизни ана шунга даъват этади.

Яратганнинг ўзи, қолаверса, бобокалонимиз Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий ва бошқа азизларимиз руҳлари қўллаган, халқимизнинг умидли нигоҳи қадалган Президентимизнинг бошлари омон бўлсин.

Исмат ОЧИЛОВ,
журналист.
Қашқадарё вилояти.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ҚУРИЛМОҚДА





СУРАТЛАРДА: ишбоши Мўмин Абдураҳимов, жамланма раҳбари Адҳам Саидумаров ва участка бошлиғи Ринат Каримов лойиҳа билан танишмоқдалар; коллеж қурилиши; уста Толиб Умаров, ғишт терувчилар Улуғбек Усмонов ва Неъмат Бегамов иш устида.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



Оққўрғон туманида 450 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши жадал олиб борилмоқда. Уни «Агроқурилиш мажмуи» трестига қарашли 16-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари барпо этишяпти. Янги иншоот шу йилнинг 1 сентябрида фойдаланишга топширилади. Бу ерда агроном, фермер-ўсимликшунос, бухгалтер, механик каби қишлоқ хўжалиги соҳаси учун зарур кадрлар тайёрланади.

ОИЛА — МЎЪЖАЗ ВАТАН

Қадриятларимиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

XXI асрни қаршилаётган ўзбек оиласининг келажаги қандай бўлмоғи зарур? У янги асрда мамлакатимиз тараққиётига ўзига хос қайси жиҳатлари билан таъсир этиши мумкин?

Дарҳақиқат, XXI аср ўзбек оиласи мустаҳкамлиги, барқарорлиги, фаровонлиги билан ер куррасидаги барча оилалар учун намуна мактаби бўлмоғи лозим. Бу оилада дунёга келиб, шаклланадиган шахс эркин фикрлайдиган, онг, тафаккур қарамлигидан озод, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатини билдира оладиган, ўзининг илғор фикри, намунаси билан оила аъзолари, сафдошлари, жамоасига таъсир қила оладиган, уларни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш кучига эга, жамият, давлат, халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядиган, фидокор, ташаббускор, тадбиркор, ижодкор бўлмоғи назарда тутилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги асрда адолатли, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, ҳар бир фуқарони қонун асосида яшашга ўргатиш давлатимиз сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

Бу ўринда оиладаги ҳар бир шахснинг ҳуқуқий маданияти, сиёсий саводхонлигини юксалтиришга алоҳида аҳамият бериш тақозо этилади.

Ҳуқуқий маданият, сиёсий саводхонликнинг тамал тошлари оилада қўйилади. Оилада олиб бориладиган ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбиявий ишларга масъул ота-она ва оиладаги катта ёшдаги оила аъзолари ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ота-онанинг фарзанд, фарзандининг ота-она, миллати, халқи, Ватани олдидаги бурч ва ҳуқуқларини билиш ва унга оғишмай амал қилишдан бошланади. Шуни ҳам айтиш лозимки, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятлилик даражаси талаб даражасида, деб бўлмайди. Баъзан ёшларимизнинг никоҳдан ўтмасдан оила қуришлари, мерос тақсимотида акаука, опа-сингиллар ўртасида пайдо бўладиган нохушликлар, эр-хотин никоҳини бекор қилиш жараёнидаги норозиликлар, овсинлар, қайнона-келин ўртасидаги уй-жой тақсимотидаги жанжаллар ҳуқуқий саводсизликдан далолатдир. Оилада бўладиган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишнинг асосий йўллари ота-оналарнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдир. Бунинг учун эса корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва турар жойларда мунтазам фаолият кўрсатадиган "Ҳуқуқий билимлар" ўқув курслари, жамоатчи ҳуқуқшунослар маслаҳатхоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳуқуқий маданияти юксак ота-онагина ҳуқуқий саводхон фарзандни тарбиялаши мумкин. Қолаверса, ота-оналар учун методик ёрдам берувчи оила, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий муҳофазаси бўйича махсус рисолалар, варақалар, расмли китобчалар, ҳужжатли фильмлар, диафильмлар яратишга ҳуқуқшунос олимлар эътиборини қаратиш зарур.

Мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, олий ва ўрта махсус таълим мазмунига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрловчи махсус ўқув курслари, ўқувчи ва ёшлар учун мўлжалланган назарий ва амалий-ҳуқуқий билим берувчи қизиқарли методик қўлланмаларни уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда киритишга алоҳида эътибор бермоқ зарур. Шунингдек, барча боқимандаги ФХДЁлар қошида никоҳга кираётган ёшлар учун "Оила дорилфунуни" махсус курсини жорий этиш уларни оилага тайёрлашда муҳим роль ўйнаши табиийдир. Бу ишларнинг барчаси оила ҳуқуқи бўйича етук мутахассислар зиммасига юкланади. Афсуски, республикамизда оила ҳуқуқи масалалари билан шуғулланувчи мутахассис олимларимиз бармоқ билан санарлидир. Бундай олимлар мактабини яратиш ҳам бугунги кунда мутасадди муассасалар зиммасидаги долзарб вазифадир.

Оиланинг ҳар бир аъзосини қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир шахсда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш учун оила, маҳалла, мактаб ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлиги механизмини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этилишини қатъий таъминлаш ҳуқуқий демократик жамиятнинг ҳуқуқий маданиятли фуқароларини тарбиялашнинг муҳим омилидир.

Амалга ошириладиган бундай таълим-тарбиявий ишлар замирида ҳар бир фуқарони Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Давлат дастурлари, Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини билиш ва уларга амал қилиш, мамлакатимиз ҳамда дунё мамлакатлари сиёсий ҳаётидан воқиф этиш, яшашга ўргатиш назарда тутилади.

Оиланинг ҳар томонлама мустаҳкамлиги аёлга боғлиқ бўлса, унинг келажаги учун ёшлар масъулдир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз XXI асрда аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётида тутган ролини ошириш, уларнинг турмушини яхшилаш учун оилада, жамиятда моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиш, аёллар меҳнатини енгиллаштириш чора-тадбирларини белгилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, илмий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, жамиятда амалга оширилаётган барча ислоҳотларда уларнинг имкониятлари, қобилиятлари ва салоҳиятларидан самарали фойдаланиш, фарзанд тарбиясидаги масъулиятини ошириш масаласига жамиятнинг диққат-эътиборини қаратмоқда. Ушбу беназир ғамхўрликларга жавобан аёллардан жамият тараққиёти йўлида фидойилик, маънавий ва жисмоний баркамоллик, оиласига садоқат, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ҳар томонлама намуна бўлиш талаб этилади. Чунки саводхон, фидокор аёлгина юқори савияли саводхон, миллат, Ватан тақдири учун фидойи фарзандларни тарбиялаб етиштиради. Бунинг учун "Бўлажак оналар" шиори остида ёш қизларимизни ҳаётга тайёрлашнинг комплекс дастурини яратмоқ ва шу асосда XXI аср ўзбек аёли тимсолини шакллантирмоқ зарур.

Инсоннинг инсон бўлиб шаклланиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга эга бўлиши, юксак ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий пойдевордир. Ёшларни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш эса давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Оилада эса тарбиянинг пойдевори қўйилади. Тарбия мураккаб ва узоқ давом этадиган ўзига хос жараён бўлиб, ота-онанинг саломатлиги, насл-насаби, дунёқараши, ички ва ташқи дунёси, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришга маънавий ва жисмоний тайёрлиги келажак фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлаш, оила анъаналари, қадриятлари, ота-она ва кекса авлоднинг меҳнат ва қаҳрамонлик намуналаридан самарали фойдаланган ҳолда тарбияни ташкил этиш комил инсонни шакллантиришда муҳим омилдир.

Бугунги давр ёшлари учун оиласи, миллати, халқи, Ватани тақдири, бугуни ва эртаси учун фидойилик кўрсатиш энг олий қадрият ҳисобланади. Янги аср ёшларига, энг аввало, тарбия объекти эмас, балки субъекти сифатида муносабатда бўлмоқ биз, катталарнинг жамият олдидаги бурчимиздир. Улар билан тенгдош, ҳамфикр, яқин ҳамдард сифатида мулоқотда бўлиш, уларнинг ўй ва фикрларини, келажак орзу-истакларини, оилада ва атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга шахсий қарашларини инобатга олиш жамиятимиз учун эркин фикрли авлодларни тарбиялаб етиштиришда муҳим роль ўйнайди.

Оилада ҳукм сурадиган соғлом маънавий муҳит ва соғлом турмуш тарзи ёшлар ўртасида пайдо бўладиган ичувчилик, кашандалик, гиёҳвандлик, жиноятчилик, турли жиноий гуруҳлар ва диний экстремистларнинг таъсирига тушиб қолишдан сақлайди. Шунинг учун оиладаги соғлом муҳитни мўътадил сақлаш масаласи, аввало, ота-онадан, сўнг оиланинг ҳар бир аъзосидан ўта сергаклик, огоҳ бўлишни талаб этади. Ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлиши, уларнинг хатти-ҳаракатлари назоратсиз қолиши, умрларини мақсадсиз, бефойда мужассам этган, сўзи билан иши бир, маънавий ва жисмоний комил инсонлар бўлмоғи зарур.

Инсон маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади. Шу боисдан ҳар бир фуқаронинг ўз оиласи маънавияти, анъаналари, урф-одатлари, қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, ўз миллати, халқи маданий мероси ва маънавий қадриятларига, динига ва ахлоқига, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий тажрибасига, турмуш тарзига соғлом фикр билан қараши, уларнинг ривожида ўз бурч ва вазифаларини аниқ англаб етиши — маънавий юксак жамият барпо этишда муҳим роль ўйнайди. Айнан шу қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги оила аъзолари намунасида ёш авлод онгига сингдирилмоғига эришиш зарур.

Оилада амалга ошириладиган тарбия фарзандда ўз ота-онасидан, оиласи, авлод-аждодлари тарихидан, ўзи туғилиб ўсган ўлкаси, Ватани, миллати, халқи, тили, дини, анъаналаридан ғурурланиш ҳиссини шакллантирмоғи керак. Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ота-она ва тарбиячи мураббийлар олдига қўяётган талаби ҳам айнан халқи, миллати, Ватани тақдири учун масъул эканлигини онгли равишда тушуниб етади. Мамлакат, оила, туғилиб ўсган ҳудуд равнақи, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ҳар бир шахснинг маънавий маданиятлилик даражасига, унинг фидокорлигига, ҳалол меҳнатига боғлиқ эканлигини қалбан англайди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, моддий етишмовчиликни меҳнат, сабр-тоқат, бардош билан енгса бўлади, лекин маънавий инқирозни, маънавий қашшоқликни фақат маърифат билан, ақлий камолот, соғлом фикр билан енгиш мумкин. Бу ўринда оилада амалга ошириладиган барча таълим-тарбиявий ишларнинг мақсадли, режали бўлишига алоҳида аҳамият бермоқ кўзлаган мақсадга эришиш гаровидир.

Оилавий байрамларни нишонлаш, ёшлар тарбиясида алла, эртак, халқ мақол ва маталларидан, қўшиқларидан самарали фойдаланиш, биргаликда хордиқ чиқариш, миллий спорт ўйинлари ва мусобақалар, тарихий обидалар ва қадамжоларга саёҳатлар уюштириш, бошқа халқлар, миллатлар маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, оила кутубхоналари ва китобхонлигини ташкил этиш, оилада тил, мулоқот, кийиниш маданиятига эътибор бериш, ёшларни меҳнат, маданиятга ўргатиш орқали оила маънавиятини шакллантиришга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Истиқлол ғоялари билан суғорилган кўргазмали тарғибот ишларининг шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-баранглигини таъминлаш, оилавий халқ бахшилари сулолаларини чиқишларини ташкил этиш, туғилиб ўсган ҳудудда яшаб ижод этган адабиёт, санъат, маданият намояндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида оммабоп рисолалар, ҳужжатли фильмлар яратиш, ижодий кечалар ташкил этиш орқали халқ маънавий меросининг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш маънавий баркамол фуқароларни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади.

Оилада нишонланадиган тўй-маъракалар, мотам ва марҳумларни хотирлаш, қадрлаш маросимларини тартибли, ортиқча дабдабаларсиз, сарф-харажатларсиз, ихчам, қўшимча расмрусум, урф-одатларсиз ўтказиш, **биринчидан**, оила маънавиятига, **иккинчидан**, унинг иқтисодига ижобий таъсир этишини оиланинг ҳар бир аъзоси англаб етиши самарали натижалар гаровидир.

Оилада кичик оилавий бизнесни, оила тадбиркорлигини йўлга қўйиш, оилавий кичик корхоналар, оила пудратини ташкил этиш, деҳқон, фермерлик фаолиятини, шахсий хўжалик фаолиятини ривожлантириш, "Усто-шогирд" анъанаси асосида оилавий касаначилик фаолиятидан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш орқали оила иқтисодининг барқарорлигини таъминлаш бугунги бозор иқтисодиёти талабидир.

Соғлом жамият соғлом оила негизида қарор топади. Республикамиз соғлиқни сақлаш соҳасида кўп тизимликнинг қонуний жорий этилганлиги, унда бепул хизматнинг сақлаб қолингани ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг куч-қувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш, фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш, тиббиётда хусусий фаолиятга кенг ўрин берилганлиги оила аъзоларининг саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Тан ва жон сиҳатлиги ҳар кимнинг ўз қўлида. Оилада ҳар бир кишининг соғлом бўлишини таъминлаш учун турли касалликнинг олдини олувчи муолажа ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Чунки давлатимизнинг соғлом авлодни шакллантиришдаги сиёсати негизини даволовчи тиббиёт эмас, балки касалликнинг олдини олувчи тиббиётни кучайтириш масаласи эгаллайди. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат тамойили муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий муҳофаза этишнинг янги тизими, яъни ижтимоий муҳофаза фақат оила орқали амалга ошириладиган бўлди. Бундай ҳимоядан болалик, кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилалар, етим-есирлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар баҳраманд бўлмоқдалар.

Бу масалада адолат мезонини ўрнатиш, ҳақиқатан муҳтож бўлган фуқаролар ва оилаларга моддий кўмакнинг берилишини таъминлаш ва назорат қилиш маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлайдиган мутасаддилардан жуда катта масъулият талаб қилади. Қариндош-уруғчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик, бепарволик, қариндош-уруғчилик каби иллатларга нисбатан шафқатсизлик билан муносабатда бўлиши айнан оила шароитида тарбияланмоғи зарур.

Шундай қилиб, XXI аср ўзбек оиласи ўзининг баркамоллиги, фаровонлиги ва мустаҳкамлиги билан бутун дунёга намуна мактаби бўлиши учун мустаҳкам пойдеворга эга. Пойдевори мустаҳкам бино эса асрлар оша ҳаёт тўфонларига бардош бериб, абадий қадди букилмайди. Ўзбек оиласи ҳам худди шундай пойдевори мустаҳкам, қадди тик қалъа ҳисобланади. Бу қалъанинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлари давлат, жамият диққат-эътиборида экан, унга ҳеч қандай ёвуз куч, гоя, қийинчилик таъсир этмайди, аксинча, у барқарорлашади, мустаҳкам ва фаровон бўла боради.

Ойниса МУСУРМОНОВА,
педагогика фанлари доктори, профессор.

ПАХТА ХОМАШЁСИ
ЕТИШТИРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Пахта - Ўзбекистоннинг миллий бойлиги. Ушбу бойликни етиштираётган деҳқонларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Президенти ҳамда республика ҳукумати олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис кейинги йилларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун етказиб бераётган пахта хомашёси учун олдиндан бўнак пули бериш ва якуний ҳисоб-китобларни вақтида ўтказиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги Фармонига мувофиқ республика Молия вазирлиги қошида Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармаси ташкил қилинди. Пахта хомашёси етиштириш билан боғлиқ харажатлар учун ўз вақтида бўнак пули ажратиш ва якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш ушбу жамғарманинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат "Пахта-банк" Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисоб-китоби жамғармасининг молиявий агенти сифатида 1999 йилда етиштирилиши мўлжалланган пахта, ғалла, шоли ҳосиллари учун узлуксиз бўнак пули ажратиш ва ўз вақтида якуний ҳисоб-китоб қилиш, бу ишларнинг самарадорлигини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жамғарма ташкил этилган кунданоқ "Пахта-банк" тизими зиммасига қишлоқ хўжалик корхоналари билан пахта тозалаш заводлари ўртасида республика Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тузилаётган контрактация шартномаларининг белгиланган муддатларда расмийлаштирилишини таъминлаш, бўнак маблағларини қайтариш тўғрисида кафолат ва суғурта операцияларини белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш, ажратилган маблағлардан кўрсатилган лимит ва меъёрлар доирасида самарали ва мақсадли фойдаланиш, етиштирилиши мўлжалланаётган пахта хомашёси учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, қишлоқ хўжалик корхоналарига маҳсус ҳисоб рақамлари бўйича тўланадиган бўнак маблағларини белгилаб қўйилган тартибга мувофиқ йўналишлар бўйича мавжуд қарзлар харажат меъёрларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш каби масъулиятли вазифалар юклатилган. "Пахта-банк" ушбу долзарб вазифаларни ўз вақтида ва юксак самара билан адо этмоқда.

Бундан ташқари, "Пахта-банк" пахта хомашёси етиштириш, харид қилиш ва қайта ишлашни маблағ билан таъминлаш бўйича Жамғарманинг молиявий агенти сифатида давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган пахта хомашёси учун қишлоқ хўжалик корхоналарига махсус очиладиган ҳисобварақлари орқали ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, ўз вақтида бўнак пули бериш ва якуний ҳисоб-китоб қилиш юзасидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда берилган кредитларнинг белгиланган муддатларда қайтарилишини таъминлаш каби қатор муҳим вазифаларни ҳам тўлатўкис бажариб келмоқда.

Етиштирилган пахта хомашёси учун ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш мақсадида шу йилдан бошлаб ҳисоб-китобларнинг аккредитив усулини қўллаш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда республика Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан тасдиқланган "Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари якуний ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартиби" республика Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 1 мартдаги 657-сонли қарор билан қайд этилиб, кучга кирди. Аккредитив усулнинг моҳияти шундан иборатки, пахта хомашёси тайёрловқайта ишлаш корхоналарига етказиб берилиб, бу ҳақда тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, корхоналарга хизмат қилувчи банкка тақдим этилиши билан тегишли маблағ пахта хомашёсини етказиб берувчи хўжаликларнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказилади.

Юқорида қайд этилган тартибга биноан, "Пахта-банк"нинг вилоят ва туманлардаги бўлимлари пахта қабул қилувчи корхоналар номидан ҳар бир пахта хомашёси етказиб берувчи номига, илгари тўланган бўнак маблағларини ҳисобдан чиқариб ташлаган ҳолда, контрактация шартномаларида белгиланган маблағ миқдорида "Аккредитив очилганлиги тўғрисида билдирувнома"ни уларга хизмат қилувчи банкка йўллайди. Пахта хомашёсини етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўз банклари орқали билдирувномани олгач, мабодо аккредитив шартлари контрактация шартномаси шартларига мос келмаса, уч банк иш куни мобайнида аккредитив шартларидан тўлиғича ёки қисман воз кечиши мумкин. Агар бу давр мобайнида улар томонидан ҳеч қандай эътироз билдирилмаса, аккредитив шартлари қабул қилинган ҳисобланади.

Билдирувномада тайёрлов корхонасининг номи кўрсатилиб, унинг буйруғига асосан, ҳар бир пахта хомашёси етиштирувчининг фойдасига контрактация шартномаси бўйича муайян миқдорда маблағ ажратилганлиги маълум қилинади.

Пахта хомашёсини етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсус ҳисоб рақамларига маблағлар аккредитив шартларининг бажарилганлигини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар банкка тақдим этилганидан сўнг ўтказиб берилади:

контрактация шартномаларининг бажарилганлиги ҳақида тайёрлов-қабул қилиш корхоналари ҳамда пахта хомашёсини етказиб берувчи хўжалик раҳбарлари ва бош ҳисобчилари томонидан имзоланган солиштирма далолатнома;

топширилган пахта бўйича ПК-17 қабул-топшириш квитанцияси.

Бу ҳужжатлар тайёрлов-қабул қилиш корхоналарига хизмат қилувчи банкка қишлоқ хўжалик корхонаси ёки у мижоз бўлган банк томонидан қабул қилувчининг реквизитлари тўлиқ кўрсатилган ҳолда жўнатилади.

"Пахта-банк"нинг вилоят ва туман бўлимлари пахта тўловга қабул қилинган ҳужжатларнинг аккредитив шартларига мос келишини диққат билан текширади ва маҳсулот белгиланган тартибда етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейинги етти банк иш куни ичида аккредитив ҳисобидан ўтказилиши лозим бўлган маблағ миқдорини ҳисобдан чиқаради ҳамда бу маблағни пахта хомашёсини етказиб берувчи хўжаликларнинг ҳисоб-китоб рақамига ўтказади. Бунда амалда топширилган пахта хомашёси қийматининг берилган бўнаклар, шу жумладан, чигит ва материаллар қиймати чегириб ташланган сўнг қолган қисмининг 80 фоизи ва қолган якуний ҳисоб-китоб учун 20 фоиз толанинг чиқиши ва сотилишини ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Маблағлар тўланган сўнг тайёрлов-қабул қилиш корхоналарига хизмат қилувчи банк тайёрлов корхонаси, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва ижрочи банк томонидан тасдиқланган таққослама далолатномани йўналтирувчи хат билан тўловларнинг амалга оширилганлигининг тасдиғи билан биргаликда жамғарманинг молиявий агенти ҳисобланмиш "Пахта-банк"ка йўллайди. "Пахта-банк" мазкур ҳужжатларни қабул қилиши билан аккредитивни ёпади.

Агар топширилган пахта хомашёси учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида бирор муаммо юзага келса, "Пахта-банк"нинг жойлардаги қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, тегишли маълумотларни олишингиз мумкин:

Тошкент		
(8-3712)	173-36-05,	173-24-93
Нукус	(8-36122)	2-35-03
Андижон	(8-37422)	4-40-82
Бухоро	(8-36522)	3-82-90
Жиззах	(8-37222)	3-27-08
Қарши	(8-37522)	3-74-50
Навоий	(8-43622)	4-74-31
Наманган	(8-36922)	4-05-69
Самарқанд	(8-3662)	31-00-21
Термиз	(8-37622)	2-79-16
Гулистон	(8-3672)	25-06-36
Фарғона	(8-3732)	24-67-23
Урганч	(8-36222)	6-03-35



ХАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бухоро деҳқонларининг вилоят пахта уруғчилиги бирлашмаси олимлари билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ҳозирда вилоятнинг айрим туманларида гўзанинг касалликларга чидамли, серҳосил янги нави — «Бухоро-7» парваришланмоқда. Мазкур навнинг «Бухоро-6»дан яна бир афзаллиги эртапишарлигидир.

СУРАТДА: вилоят пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳикмат Неъматов ва Вобкент туманидаги Х. Камолов номли жамоа хўжалиги сувчиси Нусрат Ярашев «Бухоро-7» парваришланаётган далада.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНА БИР ҚАДАМ

Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жаҳон маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва уларни авайлаб-асраш билан боғлиқ ишларни давом эттириш учун Япония траст жамғармаси ҳамда ЮНЕСКО орқали бир неча миллион долларлик маблағ ажратишга қарор қилди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши Сурхондарё вилоятининг Фаёзтепа ва Қоратепа ҳудудларидаги археологик объектларда ўзбекистонлик ва япониялик олимлар томонидан биргаликда олиб борилган ишлар ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг Япониядаги Буюк Ипак йўли билан боғлиқ кўргазмада иштирок этиши тўғрисида қабул қилган қарори натижаси бўлди.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзбек-япон қўшма археологик гуруҳлари фаолият олиб бормоқдалар. Уларнинг сай-ҳаракатлари туфайли ушбу ҳудудда жаҳон маданиятининг кўплаб нодир ёдгорликлари топилди.

Айни пайтда Япония траст жамғармаси ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Фаёзтепа шаҳарчасидаги археологик объектларни муҳофаза этиш бўйича лойиҳани ишлаб чиқмоқда ва у тасдиқланиши биланоқ ушбу лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилади.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда Япония томони Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилишга қизиқиш билдирмоқда.

Япония ҳукуматининг Ўзбекистон ҳудудидаги жаҳон маданияти ёдгорликларини таъмирлаш ва уларни муҳофаза қилиш учун қўшимча бир неча миллион долларлик маблағ ажратиш тўғрисидаги сўнгги қарори унинг икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурини тузишга жиддий бел боғлаганидан далолат беради.

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Токио.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахвороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 13 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	84,61	10 Люксембург франки	32,12
1 Австрия шиллинги	9,42	1 Малайзия ринггити	33,43
1 Англия фунт стерлинги	197,34	1 Германия маркаси	66,24
10 Бельгия франки	32,12	1 Польша злотийси	32,51
1 Голландия гульдени	58,79	1 СДР	168,74
10 Греция драхмаси	3,99	1000 Туркия лираси	0,30
1 Дания кронаси	17,43	1 Финляндия маркаси	21,79
1 БАА дирхами	34,58	1 Франция франки	19,75
1 АҚШ доллари	127,02	1 Швейцария франки	80,70
1 Миср фунти	37,29	1 ЕВРО	129,56
10 Испания песети	7,79	1 Жанубий Корея вони	1,07
100 Италия лираси	6,69	10 Япония иенаси	10,39
1 Канада доллари	86,34	1 Россия рубли	5,20
1 Хитой юани	15,34	1 Украина гривнаси	32,16

(Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

1997-1999 йилларда фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларининг энг муҳим натижалари бўйича шу йилнинг 27 майида эълон қилинган танловга ҳужжатларни қабул қилиш муддати 1999 йил 25 июлгача узайтирилганлиги тўғрисида маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 139-16-80; 139-15-40; 139-18-46.

©1934

ОМБУДСМАНЛАРНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ

Ўзбекистоннинг эшиклари бутун жаҳонга очиқ бўлиб, мамлакатимиз ҳозир дунёда юз бераётган демократик жараёнларга кўмаклашишга тайёр. Барча яхши нарсаларни бошқалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, яхши қўшничилик халқимизнинг анъанаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг расмий органлари ЕХҲТ миссияси ҳамда Тожикистон давлат тузилмаларининг "Тожикистонда инсон ҳуқуқларини янада ривожлантириш, омбудсман институтининг тутган ўрни ва фаолияти" мавзусида «Давра суҳбати»да иштирок этиш ҳақидаги таклифига бажонидил рози бўлди.

Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатлари омбудсманлари иштирок этган «давра суҳбати»да барча иштирокчилар бу соҳада иш юритаётган турли минтақаларнинг қимматли тажрибасидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

«Давра суҳбати» жараёнида Норвегия, Словения, Польша омбудсманлари "Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тажрибаси" масаласида ахборот беришди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳақидаги Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Омбудсмани фаолиятининг ҳуқуқий асоси" мавзусидаги мунозара учрашув қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Мунозара чоғида мамлакатимиздаги демократик янгиланишлар ҳақида, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти, унинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳақида батафсил ахборот берилди.

«Давра суҳбати»да иштирок этиш қўшни республика билан парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашда, унга инсон ҳуқуқлари бўйича институт фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашишда ўзининг ижобий натижасини берди.

Д. САИТОВА, ЎзА мухбири.

Долзарб мавзу

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Бу йил қишнинг илиқ, баҳорнинг серёғин бўлгани деҳқонларимиз учун ортиқча ташвиш келтирди. Қишлоқ хўжалик экинлари турли касалликларга чалинди, кўсак қурти, чигиртка, ўргимчаккана каби ҳашаротлар кўпайди. Галдаги вазифа бу зараркунандаларга қарши кескин кураш олиб бориш ва далаларда етиштирилган мўл ҳосилни сақлаб қолишдан иборат.

Хўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилянти? ЎзА мухбири республика Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар марказининг раҳбари Шамшод МУҲАММАДАЛИЕВ билан учрашиб, бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб беришни сўради:

— Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун истиқболли навларни жорий қилиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш билан бирга, турли зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтларга қарши курашни самарали олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимизда талайгина ишлар амалга оширилди. Баҳорда зараркунандаларга қарши биологик йўл билан курашишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Шу кунгача хўжаликларга илдиз қуртига қарши 91,2 минг, кўсак қуртига қарши 630,1 минг дона феромон тутқичлари етказиб берилди. 1999 йил мавсумида зараркунандаларнинг катта майдонларга тарқалиши ва экинларга жиддий зарар келтириши хавфининг олдини олиш мақсадида барча вилоятларда ҳар 80-100 гектар майдонга дала назоратчилари қўйилди.

Бу йил гўзанинг илдизи чириши ва гаммоз касалликларига қарши 122 минг тонна уруғлик чигит дорилаб экилди. Унинг 27 минг тоннаси бронотак, 53 минг тоннаси паноктин ва 42 минг тоннаси бошқа препаратлар билан дориланди.

Бегона ўтларга қарши 220 минг гектар ғалла майдонида гербицидлар қўлланилди. Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳудудидаги қўйпечак билан кучли зарарланган 2,5 минг гектар майдонга старане гербициди сепилди.

Республика бўйича мавжуд 1 миллион 310 минг гектар ғалла майдонининг деярли барчаси текширилиб, 216,5 минг гектардаги дон ҳосили зарарланганлиги аниқланди. Сурхондарё вилоятида 72,5 минг гектар майдон кузатилиб, кучли даражада зарарланган 41,3 минг гектар майдонда кимёвий ишлов ўтказилди. Шунингдек, Сирдарёда 28,1, Фарғонада 11,8, Наманганда 6,2 ва Тошкент вилоятида 3,2 минг гектардан зиёд ерга занг касаллигига қарши фунгицитлар билан ишлов берилди.

Ўтган мавсумда республикамизнинг бир қатор туманлари ва хўжаликларида зараркунандалар гўзага жиддий зиён етказган эди. Шу сабабли бу йил гўза зараркунандаларига қарши ўз вақтида чоралар кўриш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. 1 июлга қадар мавжуд гўза майдонларида 2,2 марта текшириш ўтказилди. Кузатув ишлари олиб борилган 3428 минг гектар майдоннинг 26,5 минг гектарида кузги тунлам, 223,6 минг гектарида шира бити ва трипс, 42,3 минг гектарида ўргимчаккана ҳамда 4,4 минг гектарида кўсак қурти борлиги аниқланди. Ҳозир бу зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик усул билан кескин кураш олиб борилмоқда.

Янги мавсумда биоусулга эътибор кучайди. Шу туфайли биолабораторияларнинг асосий қисмида таъмирлаш ишлари ўтказилиб, улар асбоб-ускуналар билан тўла таъминланди. Республика бўйича ўтган йилларда тўхтаб қолган 30 дан ортиқроқ биолабораториялар қайтадан ишга туширилди. Ҳозирги пайтда мавжуд 740 та биолабораториянинг 736 таси ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандаларига қарши 2256 минг гектар майдонга трихограмма, 435 минг гектарга бракон, 400 минг гектарга олтинкўз ва 52,6 минг гектарга бешиктебратар тарқатилди. Жами 3144 минг гектар майдонда биоусул қўлланилди.

Шу бугунгача зараркунанда ва касалликларга қарши 55,4 минг гектар боғларда, 47,3 минг гектар токзорларда кимёвий ишлов ўтказилди. Шунингдек, 6,9 минг гектар картошка майдонларидаги колорадо қўнғизи механик усул билан йўқ қилинди.

Бу йил Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг тоғолди, чўл, ярим чўл зоналаридаги яйловзорларда Марокаш чигиртқаси кўпайди. Бу зараркунандага қарши 2 миллион 19 минг гектар майдонда фьюри, циперметрин, суми-альфа препаратлари ёрдамида самарали кураш олиб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон давлатлари билан чегарадош туманларда зараркунанда ва касалликлар икки-уч баробар кўп учрамоқда. Бу қўшни давлатларда зарарли ҳашаротлар ва касалликларга қарши кураш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан далолат беради. Жорий йилда Сурхондарё вилоятининг Тожикистон ва Туркманистон билан чегарадош туманларидаги ғалла майдонлари занг касаллигига чалинди. Касалликнинг кенг тарқалиши сабабларидан бири ҳавонинг паст ва серёғин келиши билан бирга, занг замбуруғларининг қўшни мамлакатлардан шамол ёрдамида республикамиз ҳудудига кириб келиши бўлди.

Марокаш чигирткасининг кўпайишига ҳам худди шу ҳол сабаб бўлмоқда. Туркманистондан Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Ғузор, Нишон туманларига кўп миқдорда чигиртка учиб ўтди. Кўрилган тезкор тадбирлар туфайли чигиртка келтириши мумкин бўлган зарарнинг олди олинди. Қозоғистон ҳудудидаги Ўзбекистонга яқин яйловларда ҳам Марокаш чигирткасининг катта ўчоқлари борлиги аниқланди. Чиноз туманидан 20 километр узоқликда, Қозоғистон ҳудудида ўз ҳисобимиздан чигиртқага қарши икки марта ишлов ўтказдик. Бугунги кунда қўшни давлатдан Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳудудига ўтиши мумкин бўлган зарарли чигиртқаларга қарши курашиш учун қўшимча 46 минг гектар майдонда кимёвий препаратлар билан ишлов ўтказишимизга тўғри келди. Очиғини айтганда, қўшни мамлакатларда бу иш ўта қониқарсиз аҳволда.

Июль ойида кўсак қуртининг энг кўп зарар етказадиган иккинчи авлоди ривожланади. Мамлакатимизнинг Қозоғистон билан чегарадош бўлган Ҳўжайли, Амударё, Гурлан, Шовот, Қўшкўпир, Мирзачўл, Дўстлик, Оқолтин, Мирзаобод, Сирдарё туманларида бу зараркунанданинг бирмунча кўпайиши кутилмоқда. Шундай экан, юқорида тилга олинган туманларда назорат ишларини кучайтириш ва тезкор зарурий чоралар кўриш лозим. Бундан ташқари, Қашқадарё, Андижон, Тошкент вилоятларининг сув ҳавзаларига яқин хўжаликларида ҳам кўсак қурти ҳар йилгидан кўп бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун эса барча зарур чораларни кўрмоқдамиз.

Б. УММАТОВ суҳбатлашди. (ЎзА).

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ЛИЦЕЙГА 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Лицей Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 9-синфни битирган истеъдодли ўқувчиларни 10-синфга қабул қилади.

Лицейда дарсларни институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Унда асосий эътибор математика, физика, инглиз тили, информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини чуқур ўрганишга қаратилади.

Ўқишга кирувчиларнинг ҳужжатлари 1999 йил 31 июлгача қабул қилинади.

Қуйидаги ҳужжатлар боғичли папкада топширилади:

1. Лицей директори номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.
3. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
4. Тураржойдан маълумотнома.
5. Соғлиғи тўғрисидаги маълумотнома.
6. 6 та сурат (3х4 ўлчамда).

Лицейга физика, математика ва она тили фанларидан ўтказиладиган тест синовлари натижаларига қараб қабул қилинади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Лицейга кирувчиларнинг ҳужжатлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13. Телефон: 41-80-06. 7,8,16-трамвайлар, 4, 18, 20-троллейбусларнинг «Санъат саройи» ва метронинг «Пахтакор» бекатлари.

©1936

«Олмос» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси Кузатув кенгаши аъзоси Мансур Абдуваҳобовга волидаи муҳтарамаси

УЛУҒБИБИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошшаҳарнур» бирлашмаси қошидаги махсус қурилиш-таъмирлаш бошқармаси жамоаси бошқарма иқтисодиёт бўлими бошлиғи Дилобар Шомуродовага ва Ҳамза тумани тащқи ёритиш тармоқлари идораси бошлиғи Ҳамидулла Шомуродовга волидаи муҳтарамалари

ҲИКОЯТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СЎЛИМ ЁЗ ГАШТИ

Ўзбекистонда ёз ҳамиша саховатлидир. Бу диёрдан табиат ҳеч нарсасини аямаган. Тоғлардаги дўланалардан тортиб, боғлардаги олмаю узум, қовуну тарвузлар аллақачоноқ бозорга кириб келди. Одамлар саратоннинг жазирамасидан қочиб, осмонўпар тоғлар бағридаги жаннатмакон дам олиш масканлари сари шошилмоқдалар. Зотан, шаҳарда димиқиб кетган вужуд тоғларда беихтиёр жунжикади, эгнингга нимадир иласан.

Болалар учун ёз фасли янада қувноқроқ кечади. Сўлим табиат бағрида гуллар дасталаш, доривор гиёҳлар териш ёки муздек ҳавзаларда маза қилиб чўмилиш гашти ҳамма нарсадан устундир. Жамоатчи фотомухбиримиз Турғунбек МАҲКАМОВ тасвирга туширган бу лавҳаларни кўриб, машҳур шоирнинг машҳур сатрларини бироз таҳрир қилиб куйлагинг келади: «Эй ёз, кетма, бизнинг боғлардан...»







«СИЁБ» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Самарқандаги «Сиёб» деҳқон бозорида йирик таъмирлаш ва қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бозор сарҳадини кенгайтириш ва замонавий бинолар қуриш учун шаҳар ҳокимлиги 6 гектар қўшимча ер ажратиб берди.

Ҳозирги кунда бу ерда Шарқ анъаналарига мос миллий меъморчилик услубида қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Бунёдкорлик ишларида «Самарқандтранс» давлат акционерлик бирлашмаси, «Сталмонтаж» трести жамоаси ғайрат кўрсатмоқда.

Абдумалик ШОПЎЛАТОВ.

Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

1999 йилги фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти учун танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган илмий-тадқиқотлар орасида республикамизнинг кўзга кўринган кимёгар олимлари Т.Миркомилов, А.В. Коротаев, Г. Раҳмонбердиев, Д. Юсуповларнинг «Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг экологик тоза технологиясини яратиш» номли тадқиқотлари ҳам бор.

ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТЛИ ТАДҚИҚОТ

Бу йирик, илмий-амалий аҳамиятли тадқиқот ҳозирги мустақил Ўзбекистон кимё фанининг, шакшубҳасиз, салмоқли ютуқларидан биридир. Бундай дейишимизга асосий сабаб шундаки, мазкур тадқиқотда олимларнинг илмий-назарий тафаккури бевосита республикамизнинг улкан иқтисодий ривожланиш манфаатлари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий мустақиллиги ўсиб бориши ва собиқ шўро тузуми даврида минтақада вужудга келган мураккаб экологик вазиятни ўзгартиришга эътибор кучайтирилган бир шароитда, жумладан, маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг экологик тоза технологиясини яратиш, шу асосда хориждан келтириладиган маҳсулотларнинг ўрнини боса оладиган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришнинг йўл-йўсинларини излаш республикамиз олимлари олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбари, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам олимларни мустақил ҳаётни, иқтисодиётни ривожлантиришга асос бўладиган илмий тавсияларни беришга даъват этмоқдалар.

Худди шундай хайрли, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятли йирик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, Тошкент давлат техника университетининг академик Тўлқин Миркомилов бошлиқ бир гуруҳ кимёгар олимлари сўнгги бир неча йиллар мобайнида маҳаллий хомашёлар ва саноат корхоналарининг кўп тонналик чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик тоза технологиясини ишлаб чиқиш соҳасида дадил илмий-амалий изланишлар олиб бордилар. Юқоридаги тадқиқот ана шу серзахмат, бир неча йиллар давомидаги узлуксиз, фаол равишда олиб борилган тадқиқотларнинг самарали амалий натижалари сифатида майдонга келди.

Маълумки, Ўзбекистонда кимё ва пахтани қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. 20 дан ортиқ маҳобатли кимёвий корхоналар республиканинг шу йўналишдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиради. Бироқ бу кимёвий ва пахтани қайта ишлаш корхоналарида газсимон, суюқ ва қаттиқ чиқиндилар ҳамда иккиламчи маҳсулотлар ҳосил бўлиб, улардан, афсуски, шу пайтгача оқилона фойдаланилмасдан келинар, бу чиқиндилар ёқиб ёки кўмиб юборилар эди. Бу эса катта миқдордаги иқтисодий исрофгарчиликдан ташқари атроф-муҳитнинг ифлосланишига, республикадаги экологик ҳолатнинг ёмонлашувига сабаб бўларди. Президентимиз Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида айтган собиқ шўро тузумидан қолган «мерос»лардан бири шу эди.

Академик Т. Миркомилов бошлиқ кимёгар тадқиқотчи олимлар гуруҳи ҳаётдаги ана шу муаммонинг илмий-амалий ечимини топишга ўз муносиб ҳиссасини қўшишга қатъий бел боғлаб киришдилар. Изланиш ва тадқиқотлар муҳим амалий аҳамиятли натижалар берди. Хўш, булар нималарда кўринади?

Аввало, олимлар саноат корхоналарида маънавий эскирган қурилмалардан фойдаланиш, чиқиндиларни ушлаб қолиш, зарарсизлантириш ва қайта ишлашнинг самарали усуллари йўқлиги чиқиндилар миқдорининг кўпайишига олиб келаётганини аниқладилар. Демак, технологияни тубдан янгилашнинг йўлларини топиш керак. Тадқиқотчилар шу мақсадни олдиларига қўйдилар.

Масалан, пахта тозалаш корхоналарининг чиқиндилари (линт, делинт, циклон момиғи ва бошқалар) қимматли целлюлоза сақловчи хомашёлар ҳисобланади. Аммо ҳозирги кунда бу чиқиндилардан целлюлоза ишлаб чиқаришда фойдаланилмаяпти. Бунинг устига, целлюлозабоп хомашёлар бизга четдан келтириларди. Шунинг учун қатор йиллар мобайнида олимларимиз ўзимизнинг корхоналарда мавжуд чиқиндилардан юқори сифатли целлюлоза олиш технологиясини яратиш борасида мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар олиб бордилар. Экологик тоза кимёвий технологиялар яратиш борасида олиб борилган илмий изланишларнинг натижалари Тошкент, Марғилон шаҳарларидаги ёғочга пардоз бериш корхоналарида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўта чидамли металлар корхонасида, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа қатор корхоналарда жорий этилди. Улар сезиларли иқтисодий самара бермоқда.

Шунингдек, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп тонналик чиқиндиларни (1 йилда 4000 тонна) қайта ишлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилиб, шу асосда модификацияланган қурум олинмоқда. Бу техник углерод (қурум) резина-техника ва лакбўёқ саноатининг қимматбаҳо хомашёси ҳисобланади. Бундай қурум ҳозирги кунгача МДҲ давлатларидан олиниб келинар эди. Т. Миркомилов бошлиқ олимлар томонидан яратилган ацетилин қурумини турли антипренлар билан ишлаб, модификацияланган техник углерод (қурум) олишнинг янги технологияси ҳозир «Электрокимё» акциядорлик жамиятининг «Которан» ва «Изоционатлар» бўлимларида жорий этилди. 1995 йилда 15 тонна ацетилин қуруми ишлаб чиқарилиб, республика резина-техника ҳамда лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилди. Бизнинг олимларимиз кашф этган модификацияланган қурум ўзининг физикавий-механик хусусиятлари билан МДҲ давлатларидан келтирилаётган П803 ва П701 маркали техник-углерод (қурум) лардан қолишмаслиги аниқланди. Республикамизда бундай қурум ишлаб чиқариш йилдан-йилга ўсмоқда. 1996-1998 йилларда 200 тоннадан ортиқ ацетилин қуруми истеъмолчига етказиб берилди. Техникавий-иқтисодий ҳисоблашларга кўра, ацетилин қурумининг ҳар тоннасининг таннархи четдан келтирилаётган техник углерод (қурум)га нисбатан 20-30 минг сўм арзонга тушмоқда.

Кимёгар олимларимиз, шунингдек, кротон альдегиди саноат чиқиндиларини (1 йилда 600-800 тонна миқдорида) қайта ишлаш асосида коррозия ингибитори олиш технологиясини ишлаб чиқишди. Ушбу технология «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида синаб кўрилиб, 4000 тонна тажрибавий маҳсулот тайёрланди. Бу янги ингибиторнинг нархи Германиядан келтириладиган ИХФАНГАЗ маркали ингибиторникидан 2,5 марта арзондир.

Яна бир янгилик шуки, юқоридаги олимларимиз маҳаллий хомашё ва чиқиндиларни қайта ишлаш манбаида каучуклар вулканлашишини тезлаштирувчиларни ҳам олишга муваффақ бўлдилар. Бунда уларни ишлатиб олинган резина ўз хоссалари билан саноатда ишлатилаётган альтакс, каптакс каби тезлаштирувчилар қўлланилиб олинган резинадан устун туришлиги аниқланди. Ишлаб чиқилган бу технология саноат шароитида синаб кўрилди ва 1999 йилда ушбу маҳсулот «Навоийазот» корхонасида 10 тонна миқёсида ишлаб чиқариш режалаштирилди.

Маълумки, ацетон кимё саноатида ва, жумладан, маиший хизмат соҳасида муҳим эритувчи ҳисобланади. Республикамизда шу пайтгача ацетон олишнинг имконияти йўқ эди. Ҳолбуки, мамлакатимизда унга бўлган эҳтиёж йилига камида 10 тоннадан ортиқни ташкил этади. Кимёгарларимиз бунинг ҳам йўлини топишди. Ацетонни республикамизда ишлаб чиқаришнинг истиқболли усули уни ацетилендан олиш эканлиги исботланди. Ҳозирги кунда «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида ацетон олишнинг тажрибавий қурилмаси ўрнатилди.

Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлашнинг экологик тоза технологияларини яратишга қаратилган ушбу йирик илмий ва иқтисодий-экологик аҳамиятли тадқиқот мустақил Ватанимизнинг Беруний номидаги юксак Давлат мукофотига ҳар жиҳатдан лойиқ ишдир.

Зокиржон САЛИМОВ,
ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти директори, академик.

UZDUNROBITA cellular

«ЎЗДУНРОБИТА»
Ўзбек-Америка қўшма корхонаси
Ўзбекистон минтақаларидаги уяли алоқа тармоқларини янада кенгайтиради.

Тошкент шаҳрида мавжуд 25 та таянч станцияси қаторига пойтахтимизнинг «Пахтакор» стадиони ва Педагогика университети ҳудудларида ана шундай навбатдаги икки станция қўшилади.
Шу муносабат билан 1999 йил **18 июль** куни соат **13.00** дан **17.00** гача алоқа хизмати кўрсатиш сифати вақтинча пасайиши мумкин.

Қисқа муддатли ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Маълумот учун телефонлар:
Тошкентда — 611,111 ("Ўздунробита" қўшма корхонаси телефонидан қўнғироқ қилинганда), 300909, 310909.

БИЗ БИЛАН БУТУН МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ™

©/1932

DAEWOO C&C
ДЭУ КОМПЬЮТЕР ва КОММУНИКАЦИЯ

ОЛИНГ
ДЭУ КОМПЬЮТЕРЛАРИ — АЪЛО СИФАТЛИ

399000 сўм.

Pentium II 400 MHz

15" Color Monitor/4.3 GB HDD/32 MB/
4MB AGP/512 Cache/1.44 MB FDD

ТЕЛ.: 144-77-68, 144-77-69, 144-77-70, 144-77-71
ФАКС: 144-76-56

tasvir 1919

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ МАГИСТРАТУРАСИ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

«Тармоқлар иқтисодиёти», «Менежмент (қишлоқ хўжалиги)», «Маркетинг (қишлоқ хўжалиги)», «Агротупроқшунослик», «Пахтачилик», «Дончилик», «Сабзавотчилик», «Ипак қурти биологияси ва агротехникаси», «Пахта уруғчилиги ва селекцияси», «Дала экинлари уруғчилиги ва селекцияси», «Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш, бирламчи ишлов бериш ва сақлаш», «Наслчилик иши», «Мевачилик», «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар 1999 йилнинг 1 июлидан 31 июлигача қабул қилинади.

Имтиҳон-синовлар август ойида ўтказилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент 140, Қибрай тумани, Яланғоч қишлоғи, «Университет» кўчаси, ТошДАУ.
Телефон: 63-76-00.

©/1935

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548,
30695 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.45
1 2 3 4 5 6